

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 19/03-31

« 8 » февраль 2019 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири
А.Шадмановга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

(“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси асосида.)

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши устидан парламент назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда уларга амалий жихатдан кўмаклашиш мақсадида жорий йилнинг 28-31 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари томонидан сайлов округларида аҳоли билан бевосита учрашувлар ўтказилиб, тегишли соҳаларда ўрганишлар ўтказилди.

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида ўтказилган ўрганиш давомида шаҳар Тиббиёт бирлашмаси таркибидаги Юқумли касалликлар бўлими биноси 1974 йилда қурилган бўлиб, бўлим 30 ўринга мўлжалланган, мазкур бўлимда 4 нафар олий тоифали шифокорлар, 66 нафар ҳамширалар ҳамда 55 нафар кичик тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Бўлим биноси 2006 йилда ҳомийлар томонидан қисман жорий таъмирланган бўлиб, бугунги кунда мазкур бино мукамал таъмирга муҳтож ахволга келиб қолган. (Бинонинг ҳозирги кундаги ҳолати бўйича фотосуръатлар илова қилинади).

Олмалиқ шаҳар Тиббиёт бирлашмаси келажакда юқумли касалликлар бўлимининг иккинчи блокага тери-таносил касалликлари диспансери ва силга қарши кураш диспансерларини жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, президент Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил август ойида Олмалиқ шаҳрига ташрифларидан сўнг шаҳар болалар шифохонасини ва юқумли касалликлар бўлими биноларини таъмирлаш юзасидан бир қатор топшириқлар берилган.

Бугунги кунда Олмалиқ шаҳар болалар шифохонаси тўлиқ таъмирланган ва тўлақонли фаолият юритиб келмоқда.

Лекин, Олмалик шаҳар юқумли касалликлар бўлими биноси аянчли аҳволда бўлиб таъмирга муҳтож, канализация қувурлари, совуқ ва иссиқ сув трубалари эскириб, чириш даражасига етиб келган.

Бу эса ўз навбатида мазкур ҳудудда яшаётган фуқароларнинг ҳақиқий эътирозларларига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан ушбу масалаларни белгиланган тартибда ўрганиб чиқиб, зарурий чоралар белгилашингизни ҳамда амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида Қонунчилик палатасига 10 кунлик муддатда жавоб беришингизни сўраймиз.


А. Назирқулов